

---

## Мамлакатимизда барча соҳалардаги чора-тадбирлар ҳар бир маҳалланинг ўзида ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалардаги чора-тадбирлар ҳар бир маҳалланинг ўзида ташкил этилмоқда. Бешариқ туманида ҳам маҳаллабай ишлаш борасида 62 та маҳаллада раислар, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари фаолият олиб боришмоқда. Бешариқ тумани ҳокимлиги мажлислар залида сектор раҳбарлари маҳалла раислари, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин қизлар фаоллари ҳамда профилактика инспекторлари билан маҳаллаларда хотин қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, фуқароларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича йиғилиш ўтказди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда хонадонбай ўрганишда аҳоли томонидан билдирилаётган мурожаатларни тизимли равишда кўриб чиқиш ва ижобий ечим топиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Аҳоли томонидан келиб тушаётган ҳар мурожаатлар эътиборга олган ҳолда мутасаддиларга қаерда қандай соҳани ривожлантириш, ишсиз аҳолини қайси касбларга ўқитиш, маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар бир маҳалланинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш лозимлиги ҳам айтиб ўтилди.

2022-11-14 21:42:04